ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ТИЛАВОВ АСЛИДДИН МАХМУДОВИЧ

МОДЕЛЬ ДИНАМИК СИСТЕМАНИНГ БИФУРКАЦИЯЛАРИ УЧУН ДИСКРЕТ-СОНЛИ КУЗАТУВ МЕТОДИ ВА ИНТЕРАКТИВ ДАСТУРЛАР МАЖМУАСИ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи (физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УДК: 517.639.3

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ТИЛАВОВ АСЛИДДИН МАХМУДОВИЧ

МОДЕЛЬ ДИНАМИК СИСТЕМАНИНГ БИФУРКАЦИЯЛАРИ УЧУН ДИСКРЕТ-СОНЛИ КУЗАТУВ МЕТОДИ ВА ИНТЕРАКТИВ ДАСТУРЛАР МАЖМУАСИ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи (физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/FM11 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Узбекистон Республикаси Фанлар академияси В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Азамов Абдулла** физика-математика фанлари доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	**Тўхтасинов Муминжон** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Абдуғаниев Абдували Абдулхайевич физика-математика фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «25» январь соат 16^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «10» январь куни тарқатилди.

(2019 йил «24» декабрдаги 16 рақамли реестр баённомаси).

А.Р. Марахимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З.Р. Рахмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

М.М. Арипов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотларда динамик системалар кенг ўрин эгаллайди. Динамик системалар назарияси замонавий математиканинг муҳим соҳаларидан бири эканлиги, биринчидан, у математиканинг турли соҳалари ўртасидаги чуқур боғланишларни очиш имконини бериши, иккинчидан, реал механик, физик, химик, биологик ва иқтисодий жараёнлар асосан динамик системалар воситасида моделлаштирилиши билан изоҳланади. Динамик системалар назариясининг хусусияти шундан иборатки, муайян жараённинг математик модели дифференциал тенгламалар системаси ёрдамида ифодаланади ва бундай системани тадқиқ этиш дифференциал тенгламалар назариясидан ташқари топология, дифференциал геометрия, функционал анализ, ҳаттоки, замонавий алгебранинг методларига мурожаат этишни талаб этади. Шу сабабдан ҳисоблаш математикаси ва компьютер технологияларининг замонавий методлари орқали динамик системаларни тадқиқ этиш математик моделлаштиришнинг долзарб йўналишларидан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳонда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар квадратик динамик системаларда бифуркацияларни ва ёпиқ траекторияларни топиш бошқарилувчи жараёнларни моделлаштириш ва дифференциал тенгламалар назарияси билан боғлиқ тадқиқотларда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Текисликда динамик системаларнинг бифуркацияларини топиш усуллари қатор соҳаларнинг турли масалаларига татбиқ қилиш, шу жумладан экологик, физик ва кимёвий жараёнларни моделлаштириш ҳамда оптимал бошқарув назарияси масалаларини ечишда фойдаланиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда табиий ва аниқ фанларга эътибор сезиларли даражада кучайтирилди, хусусан, математика таълимини ва фанларини янада ривожлантириш, фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб бориш, олинган натижаларни илм-фаннинг турдош соҳаларида ва иқтисодиёт тармоқларида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада техник, кимёвий, иқтисодий жараёнларни моделлаштирувчи динамик системаларнинг сифат хоссаларини исботлашга DN-кузатув методини ва компьютер дастурларини қўллаш бўйича салмоқли натижаларга эришилди. Бугунги кунда мамлакатимизда "Дифференциал тенгламалар ва математик физика, динамик системалар назарияси, алгебра ва функционал анализ, геометрия ва топология, амалий математика ва математик моделлаштириш фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасидаги илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари" этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда динамик системаларнинг сифат хоссаларини тадқиқ этиш методларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

---

[1]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги»ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисидаги” Фармони, 2017 йил 17 февралдаги №ПҚ-2789 “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги №ПҚ-2909 “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 27 апрелдаги №ПҚ-3682 “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 6 июндаги №ПҚ-4358 “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар-тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 9 июлдаги №ПҚ-4387 «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV. “Математика, механика ва информатика” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Динамик системалар тушунчасига математик объект сифатида А.Пуанкаренинг илмий ишларида асос солинган ва кейинчалик Дж.Биркгоф томонидан ривожлантирилган. Шунингдек динамик системалар назариясининг ривожланишига А.А.Андроновнинг илмий мактаби салмоқли ҳисса қўшган. Мазкур илмий мактаб вакилларининг илмий ишларида асосан текисликдаги динамик системалар ўрганилган. Бу йўналиш кейинчалик М.Фроммер, Н.Н.Баутин, Н.П.Еругин, Л.А.Черкас, Ю.С.Ильяшенко, А.Ф.Андреев, италия илмий мактабининг бир қатор вакиллари, С.Лефшец, Ф.Хартман, шунингдек 1960-80 йилларда И.С.Куклес раҳбарлигидаги Самарқанд илмий мактаби томонидан ривожлантирилган.

Динамик системаларнинг бифуркациялари муаммоси татбиқий нуқтаи-назардан муҳим масалалардан биридир. Бу борада Пуанкаре-Андронов-Хопф ва эгар-тугун бифуркациялари етарлича ўрганилган, кейинроқ эса В.И.Арнольд ва Богданов-Такенс бифуркациялари кашф этилди. Бифуркацияларнинг яна бир типи – гомоклиник сиртмоқдан ҳосил бўлувчи цикллар нисбатан кам ўрганилган. Бу соҳада В.К.Мельниковнинг илмий ишлари асосий ўрин тутади. Мельников функциялари методи ҳосил бўлган циклларнинг турғунлигини текширишда самарали восита, лекин у локал табиатли бўлгани учун бифуркация зонасидан четроқда яроқли эмас.

Динамик системалар назариясининг юқори даражада ривожланганлигига қарамай ёпиқ траекторияларни топиш муаммоси, ҳатто текисликдаги динамик системалар учун ҳам ҳали тўлиқ ҳал этилмаган. Бу борада охирги йилларда J.-H.He (ХХР) ва А.Н.Пчелинцев (РФ) янги тақрибий сонли усулларни таклиф этишди. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда А.Азамов томонидан, сонли усуллар асосида динамик системаларнинг конкрет хоссаларини қатъий исботлаш имконини берувчи траекторияларни DN-кузатиш методи таклиф этилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Математика институти илмий-тадқиқот ишлари режасидаги Ф4-ФА-Ф014 “Динамик ва бошқарилувчи системалар траекторияларини кузатув ва бошқарув стратегияларининг синтез методларини ривожлантириш ҳамда уларнинг иссиқлик ва кимёвий жараёнларнинг математик моделларига татбиқлари” (2012-2016) ва ОТ-Ф4-84 “Полиномиал системалар учун дискрет-сонли метод ҳамда унинг циклик ва бошқарилувчи жараёнларни моделлаштиришга татбиқлари” (2017-2020) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади текисликдаги модель квадратик динамик системаларнинг сифат тадқиқотига DN-кузатув методини қўллаш, ва бифуркацион картинасини қуриш ва шунга қаратилган компьютер дастурлари мажмуини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

модель квадратик динамик система учун параметрларнинг тайин қийматларида ёпиқ траекторияси мавжудлигини исботлаш;

модель квадратик динамик системанинг гомоклиник сиртмоқ бифуркацияси зонасига яқин соҳада лимит цикли мавжудлигини DN-кузатув методи орқали исботлаш;

модель квадратик динамик система учун бифуркацион харита тузиш;

текисликдаги квадратик динамик системаларнинг сифат хоссаларини визуал аниқлаш имконини берувчи компьютер дастурлари мажмуини яратиш.

Тадқиқот объекти текисликдаги квадратик динамик системалардан иборат.

Тадқиқот предмети – текисликда битта квадратик ҳадга эга бўлган квадратик динамик системанинг бифуркацияларига DN-кузатув методини қўллашдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида динамик системалар назарияси, компьютерда моделлаштириш, DN-кузатув, дифференциал тенгламаларни ечишнинг сонли усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

модель квадратик динамик система учун параметрларнинг Пуанкаре-Андронов-Хопф бифуркацияси зонасидан ташқаридаги қийматида ёпиқ траекторияси мавжудлиги исботланган;

модель квадратик динамик системанинг гомоклиник сиртмоқ бифуркацияси зонаси яқинида лимит цикли мавжуд эканлигини исботлашда DN-кузатув методининг самарали эканлиги кўрсатилган;

текисликдаги квадратик динамик системанинг сифат хоссаларини ёритишга мўлжалланган дастурий мажмуа яратилган;

дастурий мажмуа ёрдамида модель динамик системанинг гомоклиник бифуркация чизиқлари қурилган;

модель квадратик динамик системанинг бифуркацион хоссалари ўрганилган ва бифуркацион харитаси қурилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари DN-кузатув методи ва дастурий таъминот ёрдамида текисликдаги квадратик динамик системаларнинг ёпиқ ва гомоклиник сиртмоқ траекториялари топилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда олинган натижалар математикада қабул қилинган дедуктив хулосаларга, шу жумладан, теоремаларнинг қатъий ва тўлиқ исботланганлигига, ҳамда сонли усулларнинг қатъий исботланган аниқлилик баҳоларига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дифференциал тенгламалар ва динамик системалар назарияларини ривожлантиришда қўлланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти динамик системалар соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларида, экологик, кимёвий, иқтисодий жараёнларнинг математик моделларини қуриш ва моделларнинг сифат хоссаларини аниқлашда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Модель динамик системаларнинг бифуркациялари ва интерактив дастурлар мажмуасига оид олинган натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга татбиқ этилган:

Полиномиал системаларни Пуанкаре сферасига (ёки дискига) давом эттириш методикасидан 01-01-17-1921FR рақамли грант лойиҳасида қувиш-қочиш масаласидаги динамик система ечимларини сифатий таҳлил қилишда фойдаланилган (Малайзия Путра университетининг 2019 йил 19 ноябрдаги PM.11.19/1/7-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши қочувчи ва қувувчиларнинг динамик системалар билан ифодаланувчи ҳаракат тенгламаларининг ечимлари траекторияларининг чексизликдаги сифат хоссаларини таҳлил қилиш имконини берган.

Дифференциал тенглама ечимининг портретини интерактив қуриш дастуридан 01-01-17-1921FR рақамли грант лойиҳасида қувиш ва қочиш ҳаракат тенгламларининг ечимларини тақрибий ҳисоблашда фойдаланилган (Малайзия Путра университетининг 2019 йил 19 ноябрдаги PM.11.19/1/7-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши қочувчи ва қувувчиларнинг динамик системалар билан ифодаланувчи ҳаракат тенгламаларининг траекторияларини интерактив қуриш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 5 таси Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (PhD) асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан 2 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган, шунингдек 4 та ЭҲМ учун дастурга муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 82 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги баён қилинган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларнинг таҳлили берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги очиб берилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг татбиғи, шунингдек нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг структураси ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Лимит циклли модель системанинг сифат тадқиқоти**” деб номланган биринчи боби ёрдамчи характерга эга бўлиб: бу бобнинг биринчи параграфида динамик системаларга оид диссертация мавзуси бўйича тадқиқотларнинг қисқа шарҳи келтирилган. Иккинчи параграфда модель системаларни каноник кўринишга келтириш ва параметрлар текислигининг бирламчи бўлиниши баён этилган. Бу параграфда ночизиқли модель системага мисол сифатида битта квадрат ҳадли ушбу

$$\dot{\bar{x}} = c\bar{x} + d\bar{y} + e\bar{x}^2, \quad \dot{\bar{y}} = f\,\bar{x} + g\bar{y}, \tag{1}$$

дифференциал тенгламалар системаси қаралган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, (1) система содда кўринишга эга бўлганига қарамай симметрияга эга эмас ва ошкор кўринишда интегралланмайди.

(1) системада ўзгарувчиларни аффин алмаштириш орқали қуйидаги

$$\dot{x} = ax + y + x^2, \;\; \dot{y} = bx + y, \tag{2}$$

каноник шаклга келтириш мумкин, бу ерда $a = c/g$, $b = fd/g^2$. Шунинг учун (2) система диссертация ишининг тадқиқот объекти қилиб олинган.

(2) система $a = b$ бўлганда фақат битта махсус нуқтага эга ва унинг фазавий портретини ўрганиш динамик системаларнинг маълум усуллари билан содда амалга оширилади, ҳаттоки махсус нуқтанинг характеристик секторлари типигача аниқлаш қийин эмас. $a \neq b$ бўлган ҳолда эса (2) система иккита $O = (0,0)$ ва $P = (b-a,\; b(a-b))$ махсус нуқтага эга бўлади. Бунда $a = b$ тўғри чизиқ (a, b) параметрлар текислигини иккита $a > b$ ва $a < b$ қисмларга ажратади ва бу қисмлар фазавий портрет нуқтаи назаридан ўзаро

изоморф бўлади, яни ўзгарувчиларни аффин алмаштириш ёрдамида бир яримтекисликни иккинчисига алмаштириш мумкин. Бунда яна система (2) кўринишга эга бўлади. Шу боис $a > b$ бўлган ҳолни қараш кифоя. У ҳолда P эгар типидаги махсус нуқта, $O = (0,0)$ махсус нуқта эса антиэгар (яни тугун ёки фокус) бўлади. Бундан ташқари $a = -1, \ b < -1$ нур Пуанкаре-Андронов-Хопф бифуркация чизиғи бўлади: (a, b) нуқта бу нурдан ўнг томонда ва унга жуда яқин жойлашса, (2) система лимит циклга эга бўлади. Аммо бу хоссалар фазавий портретларни тўлиқ қуриш учун етарли эмас, сабаби қуйидаги саволларга жавоб берилиши лозим:

1. $a, \ b$ параметрларнинг қандай қийматларида (2) система ёпиқ траекторияга эга бўлади?
2. (2) системада гомоклиник сиртмоқ бифуркацияси мавжудми?
3. (2) системада гомоклиник сиртмоқ бифуркацияси рўй берадиган (a, b), параметрларнинг қийматлар мажмуаси қандай кўринишда бўлади?

Бу саволларга жавоб беришда амалдаги методлар кифоя эмас эди. Диссертация ишида DN-кузатув методи юқоридаги саволларга жавоб излашда самарали эканлиги кўрсатилади.

DN-кузатув методининг асосий ғояси тақрибий ҳисобланган траектория ҳақидаги маълумотлар асосида реал траектория ҳолати ҳақида аниқ хулосалар чиқаришдан иборат.

DN-кузатув усулини динамик системаларга татбиқ этишда

$$\dot{z} = f(z), \quad z(0) = z_0 \tag{3}$$

Коши масаласи дастлаб $z_{n+1} = z_n + hF(z_n, h)$ дискрет система билан алмаштирилади. Бу ердаги F функция сонли ечиш схемаси деб юритилади.

Биринчи бобнинг учинчи параграфида иккинчи ва учинчи тартибли Рунге-Кутта методига мос тайин схемалар қўлланилади ҳамда квадратик динамик системалар учун бу методларнинг аниқлилигига оид қатъий исботланган баҳолар келтирилади.

Диссертациянинг **“Модель системанинг локал бифуркациялари”** деб номланган иккинчи боби (2) системанинг локал бифуркацияларини, асосан, эгар-тугун типидаги ва Пуанкаре-Андронов-Хопф бифуркацияларини ўрганишга бағишланган.

(2) система учун $a = -1, \ b < -1$ чизиғи (a, b) параметрлар текислигида Пуанкаре-Андронов-Хопф бифуркацияси чизиғи бўлади. Ҳозирги кунда мазкур бифуркациянинг Арнольдга тегишли қисқа ва Марсден-Мак-Кракен томонидан берилган атрофлича баёни мавжуд.

Диссертация ишида қуйидаги тавсиф асос қилиб олинган.

Айтайлик

$$\dot{x} = f(x, y, \mu), \quad \dot{y} = g(x, y, \mu) \tag{4}$$

система берилган бўлсин, бу ерда f, g функциялар $(0,0,0)$ нуқтанинг бирор атрофида узлуксиз-дифференциалланувчи функциялар бўлиб, $f(0,0,0) = 0$, $g(0,0,0) = 0$ ўринли, μ – кичик параметр бўлсин. Фараз қилайлик

$$f(x, y, \mu) = 0, \quad g(x, y, \mu) = 0$$

тенгламалар системаси $|\mu|<\varepsilon,$ бўлганда узлуксиз-дифференциалланувчи $x=x(\mu),\ y=y(\mu)$ ечимга эга бўлсин, у ҳолда бу эгри чизиқнинг ҳар бир нуқтаси (x,y) текислигида (4) динамик система учун μ нинг ҳар бир қийматида $(x(\mu),y(\mu))$ махсус нуқтага эга бўлади.

Пуанкаре-Андронов-Хопф бифуркациясининг регулярлиги ҳақидаги қуйидаги шарт ўринли бўлсин: (4) *системанинг чизиқли қисми* μ *нинг* $(-\varepsilon,\ \varepsilon)$ *интервалдаги қийматларига мос* $(x(\mu),y(\mu))$ *махсус нуқтада бир жуфт* $\lambda(\mu)=\alpha(\mu)\pm i\beta(\mu)$ *комплекс-қўшма хос сонларга эга бўлиб,* $\alpha'(0)\neq 0.$ Бу шарт бажарилганда (4) система Пуанкаре-Андронов-Хопф бифуркациясига эга бўлади: $\alpha'(0)>0$ бўлганда, $\mu<0$ учун $\alpha(\mu)<0$ ва $\mu>0$ да $\alpha(\mu)>0,$ яъни μ ўсиш мобайнида $\mu=0$ қийматдан ўтса, (4) системанинг махсус нуқтаси турғун фокусдан нотурғун фокусга ўзгаради; $\alpha'(0)<0$ бўлган ҳолда эса тескари ҳодиса содир бўлади: $\mu<0$ учун $\alpha(\mu)>0$ ва $\mu>0$ учун $\alpha(\mu)<0,$ яъни μ параметрнинг ўсиши мобайнида $\mu=0$ дан ўтса, (4) системанинг махсус нуқтаси нотурғун фокусдан турғун фокусга айланади.

Симметрияга кўра $\alpha'(0)>0$ бўлган ҳолни қараш кифоя.

$a>b$ учун шундай хулоса чиқади: $O=(0,\ 0)$ махсус нуқта антиэгар ва $b<-\dfrac{1}{4}(a-1)^2$ бўлганда эса – фокус бўлганлиги сабабли (2) системани мана шу икки ҳолда қараймиз ва Пуанкаре-Андронов-Хопф бифуркацияси ҳақидаги теоремани (2) системага татбиқ этамиз.

Бунда (2) система чизиқли қисмининг хос сонлари

$$\lambda=\alpha\pm i\beta\text{, бу ерда } \alpha=\frac{a+1}{2},\quad \beta=\frac{\sqrt{(a-1)^2+4b}}{2},$$

шунинг учун $a=-1, b<-1$ нур Пуанкаре-Андронов-Хопф бифуркация чизиғи бўлади. b нинг қийматини махкамлаб, a ни бифуркация параметри сифатида қараймиз, яъни $\mu=a.$ У ҳолда бифуркация ҳақидаги теоремадан қуйидаги натижа келиб чиқади: ҳар бир $b\in(-\infty,\ -1)$ учун шундай $\varepsilon(b)>0$ мавжудки, $a\in(-1,\ -1+\varepsilon(b))$ учун (2) система ягона ёпиқ траекторияга эга бўлади ва бу ёпиқ траектория турғун лимит цикл бўлади.

Табиий равишда $\varepsilon(b)$ функциясини ҳисоблаш ҳақидаги масала пайдо бўлади.

Даставвал таъкидлаш лозимки, бифуркация ҳақидаги теоремани тўғридан-тўғри қўллаш $\varepsilon(b)$ учун қуйидан дағал баҳо беради. Ҳақиқатан, қаралаётган ҳолда қўзғалмас O нуқтанинг хос векторлари

$$e_1=\begin{pmatrix}1\\ \alpha-a\end{pmatrix},\quad e_2=\begin{pmatrix}0\\ \beta\end{pmatrix}$$

бўлади. $x=\xi,\quad y=(\alpha-a)\xi+\beta\eta$ алмаштириш натижасида (2) система бифуркациянинг каноник кўринишга келтирилади:

$$\dot{\xi} = \alpha\xi + \beta\eta + \xi^2, \quad \dot{\eta} = -\beta\xi + \alpha\eta + \frac{\alpha - 1}{\beta}\xi^2.$$

$\bar{a}(b) = -1 + \varepsilon(b)$ нинг қийматини қуйидан баҳолаш учун $b \in (-\infty, 1)$ нинг қийматини маҳкамлаб, a параметрнинг $a = -1 + 0$ атрофидаги қийматларини қараймиз.

DN-кузатув методи шуни кўрсатдики, бифуркация ҳақидаги Пуанкаре-Андронов-Хопф теоремасидан $b = -2$ учун $a \in (-1,\ -1 + 0.05)$ бўлганда (2) система лимит циклга эга. Шундай қилиб, Пуанкаре-Андронов-Хопф бифуркация назарияси $\bar{a}(-2) \geq -0,95$ баҳони беради.

(2) системада поляр координаталарга ўтиб, нисбатан яхшироқ $\bar{a}(-2) \geq -0.93$ баҳосини келтириб чиқариш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, $\bar{a}(b)$ функция учун юқори баҳо олишга доир умумий усул мавжуд эмас. DN-кузатув методи қуйи баҳодан ташқари b параметр қийматларининг муайян диапазони учун юқоридан баҳолаш имконини ҳам беради.

Бу кўпдан-кўп ҳисоблашлар ва компьютер экспериментларини талаб этади. Бундай ҳисоблашларни енгиллаштириш, яъни муайян даражада автоматлаштириш мақсадида В.И.Романовский номидаги Математика институтининг "Динамик системалар ва уларнинг татбиқлари" лабораториясида махсус компьютер дастури пакети яратилди. Пакет динамик система фазавий портретини интерактив тарзда бошқариш имконини беради. §2.2 да яратилган дастурлар пакетининг функционал имкониятлари ва унинг қўлланишига мисоллар келтирилган. Дастурлар пакети қуйидаги тўртта турдаги дифференциал тенгламаларни сифат ва миқдорий жиҳатдан ўрганишга мўлжалланган:

1-тартибли нормал тенглама $y' = f(x, y)$;

Симметрик шаклдаги 1-тартибли тенглама $M(x, y)dx + N(x, y)dy = 0$;

2-тартибли динамик система $\begin{cases} \dot{x} = f(x, y), \\ \dot{y} = g(x, y); \end{cases}$

Қутб координаталардаги 2-тартибли динамик система $\begin{cases} \dot{r} = f(r, \varphi), \\ \dot{\varphi} = g(r, \varphi). \end{cases}$

Мавжуд дастурий пакетлардан фарқли, диссертация доирасида яратилган дастурлар пакети айнан бифуркацияларни, жумладан гомоклиник цикл ва бошқа нолокал бифуркацияларни ўрганишга мослашган.

Дастурлар пакетининг функционал имкониятлари қуйидагича:

– нормал ва симметрик шаклдаги, шунингдек Декарт ва қутб координаталар системаларида берилган дифференциал тенгламаларнинг фазавий портретларини интерактив йўсинда қуриш имконияти;

– дифференциал тенгламалар ҳақидаги элементар функциялар ёрдамида берилган маълумотларни TEX форматида киритиш имконияти;

– дифференциал тенгламанинг фазавий портретини интерактив таҳрир қилиш, жумладан чизиқларнинг рангини ва қалинлигини ўзгартириш, ўчириш ва қайта қуриш, траекторияларнинг йўналишини кўрсатиш, координаталар системасини катталаштириш, координата бошини кўчириш ва масштабни ўзгартириш имконияти;

– Декарт координаталар системасида берилган дифференциал тенгламаларнинг аниқланиш соҳасини тасвирлаш имконияти;

– Декарт координаталар системасида берилган дифференциал тенгламаларнинг йўналишлар майдонини тасвирлаш имконияти;

– Декарт ва қутб координаталар системаларида берилган, текисликдаги динамик системаларнинг қўзғалмас нуқталарини топиш, уларнинг типини аниқлаш ва қўзғалмас нуқта атрофида траекторияларнинг сифат хоссаларини ўрганиш имконияти;

– инсон-машина мулоқотини максимал визуаллаштириш мақсадида интерфейс режими мавжудлиги;

– барча оралиқ ва якуний натижаларни алоҳида файл шаклида сақлаш имконияти.

§2.3 да (2) системада (a, b) нуқта Пуанкаре-Андронов-Хопф бифуркацияси зонасидан ташқарида жойлашган ҳолда, $a = -0.9,\ b = -2.005$ қийматлар учун (бундай танлов алохида ҳисоблашларни соддалаштириш мақсадида қилинган) DN-кузатув методи татбиқ этилган. Бу параграфнинг асосий натижаси қуйидаги тасдиқдан иборат.

Теорема 1. *Ушбу*

$$\dot{x} = -0.9x + y + x^2, \quad \dot{y} = -2.005x + y \tag{5}$$

система лимит циклга эга.

Диссертациянинг “**Модель ночизиқли системаларда глобал бифуркациялар**” деб номланган учинчи бобида (2) динамик система $a = -0.74,\ b = -2.005$ қийматларда, яъни (a, b) нуқта гомоклиник сиртмоқ бифуркацияси зонасига яқин жойлашган ҳолда ўрганилган ва ёпиқ траекторияси мавжуд эканлиги исботланган. Ўрганилаётган модель системанинг тўлиқ бифуркацион фазавий картинасини қуриш учун a ва b параметрларни гомоклиник сиртмоқ ҳосил қилувчи қийматларини аниқлаш лозим.

Таъриф. *Ушбу*

$$\dot{z} = f(z)$$

динамик системанинг $z(t)$ *траекторияси махсус нуқта ва ёпиқ траекториядан фарқ қилсин.*

Агар исталган мусбат ε *ва* T *учун шундай* t_1, t_2 *мавжуд бўлиб,* $t_1 - t_2 > T;\quad |z(t_1) - z(t_2)| < \varepsilon$ *шартлар ўринли бўлса,* $z(t)$ *гомоклиник траектория деб аталади*.

Бошқа сўз билан айтганда гомоклиник траектория етарлича катта вақтда ўз-ўзига исталганча кичик яқинлашарди.

Гомоклиник траекторияларнинг энг содда тури – бу гомоклиник цикллардир. Бундай траекториялар учун қуйидаги муносабат ўринли

$$\lim_{t \to -\infty} z(t) = \lim_{t \to +\infty} z(t) = z_0,$$

бу ерда z_0 – махсус нуқта.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида (2) система ҳақиқатдан ҳам гомоклиник цикл бифуркациясига эга эканлиги исботланган.

Теорема 2. *Ҳар бир* $b \in (-\infty, -1)$ *учун* $a_*(b) \in (-1, \; -1+\varepsilon)$ *мавжуд бўлиб,* $a = a_*(b)$ *бўлганда* (2) *система эгар типидаги гомоклиник сиртмоққа эга бўлади.*

Бу ерда ҳам табиий равишда $a_*(b)$ қийматни баҳолаш масаласи ўртага чиқади. Бу масала §3.2 да қаралган бўлиб, *DN*-кузатув методи ёрдамида параметрларнинг $a = -0.74, b = -2.005$ бўлганда, яъни

$$\begin{cases} \dot{x} = -0.74x + y + x^2, \\ \dot{y} = -2.005x + y. \end{cases} \tag{6}$$

системанинг ёпиқ траекторияси ҳақида масала қаралган.

Параметрларнинг қаралаётган қийматларида (6) системанинг чизиқли қисми $\lambda_{\pm} = 0.13 \pm i\sqrt{1.2481}$ хос қийматларга эга бўлади, шунинг учун O мувозанат ҳолати нотурғун фокус бўлади.

Теорема 3. (6) *система лимит циклга эга.*

Бу теоремани исботлашга DN-кузатув усулини татбиқ этиш учун иккинчи тартибли Рунге-Кутта усули яроқсиз бўлганлиги сабабли учинчи тартибли Рунге-Кутта усулига мурожаат қилинди.

$(-0.74; \; -2.005)$ нуқта $a = a_*(b)$ бифуркацион чизиққа етарлича яқин жойлашган (параметрларнинг $a = -0.72$, $b = -2.005$ қийматларида (2) система ёпиқ траекторияга эга эмаслигини кўрсатиш мумкин). Яъни $-0.74 < a_*(-2.005) < -0.72$ хосса ўринли.

Учинчи бобнинг учинчи параграфида (2) системанинг тўлиқ бифуркацион картинаси келтирилган, шу жумладан, a, b параметрларининг қийматларида сифат ҳолатининг ҳар бир тури учун фазавий картиналар тасвирланган (1-шакл). Шунингдек полиномиал системаларни Пуанкаре сферасига (ёки дискига) давом эттириш методикасига мувофиқ траекторияларнинг чексизликдаги ҳолати ҳақидаги масала ўрганилган. (2) система учун Лефшец схемаси бўйича давом эттириш

$$\begin{gathered} -ZQ^* dX + ZP^* dY + (XQ^* - YP^*)dZ = 0, \\ XdX + YdY + ZdZ = 0, \end{gathered}$$

экваторда бузилган махсус нуқтани беради, шунинг учун қуйидаги янги давом эттириш схемаси қўлланилди:

$$\begin{gathered} -Q^* dX + P^* dY + (Q^* - P^*)dZ = 0, \\ XdX + YdY + ZdZ = 0, \end{gathered} \tag{7}$$

бу ерда $P^* = aXZ + YZ + X^2, \;\; Q^* = bXZ + YZ.$

Ниҳоят қуйидагича натижа олинди: ($x = X/Z, \;\; y = Y/Z$) ёрдамида проектив текисликка давом эттирилган (7) вектор майдон, a, b параметрларнинг барча қийматларида эгар-тугун типидаги махсус нуқтага эга бўлади. Бундан (2) система чексизликда бифуркацияга эга эмас деган хулоса келиб чиқади.



1-шакл

1 $O = P$ – эгар-тугун ($a = -2$);
2 O – турғун тугун ($a = -1{,}94$);
3 O –турғун критик тугун $\left(a = -\left(5 + 2\sqrt{15}\right)/7\right)$;
4 O – турғун фокус ($a = -1{,}4$);
5 Андронов-Хопф бифуркацияси ($a = -1$);
6 нотурғун фокус атрофида турғун цикл ($a = -0{,}92$);
7 гомоклиник сиртмоқ бифуркацияси ($a = -0{,}825$);
8 фокусга ўралувчи сеператриса ($a = 0$);
9 O – нотурғун тугун $\left(a = \dfrac{-5 + 2\sqrt{15}}{7}\right)$;
10 O – нотурғун тугун ($a = 0{,}7$);
11 $O = P$ – эгар-тугун ($a = 1$).

ХУЛОСА

Диссертация иши сонли усуллар асосида динамик системаларнинг конкрет хоссаларини қатъий исботлаш имконини берувчи DN-кузатув методини ночизиқли модель системани тўлиқ ўрганиш, хусусан, бифуркацияларини текширишга татбиқ этишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат.

1. Модель квадратик динамик система учун параметрлар қиймати Пуанкаре-Андронов-Хопф бифуркацияси зонасидан ташқаридаги қийматларида ётганда ёпиқ траектория мавжуд эканлиги исботланди.

2. Модель квадратик динамик системанинг гомоклиник сиртмоқ бифуркацияси зонаси яқинида лимит цикли мавжуд эканлигини исботлашда DN-кузатув методининг самарали эканлиги кўрсатилди.

3. Динамик системалар бўйича илмий-тадқиқот ишларини автоматлаштиришга мўлжалланган, тасвирларни интерактив бошқариш орқали икки ва уч ўлчовли динамик системаларнинг сифат хоссаларини ёритиш имконини берувчи компьютер дастурлари пакети яратилди;

4. Яратилган компьютер дастури ёрдамида модель динамик системанинг гомоклиник бифуркация чизиғи қурилди;

5. Модель квадратик динамик системанинг бифуркацион хоссалари ўрганилди ва бифуркацион харитаси қурилди.

Диссертация тадқиқоти натижалари текисликдаги квадратик динамик системаларга оид илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришга хизмат қилади. Яратилган компьютер дастурлари пакетидан динамик системалар назарияси ва унинг татбиқлари соҳасида илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи тадқиқотчилар, олий таълим муассасалари ўқитувчилари “Дифференциал тенгламалар” курсидан ва дифференциал тенгламалар бобини ўз ичига олувчи “Олий математика” курсидан маъруза ва амалий машғулотларга инновацион педагогик технологияларни қўллашда, шунингдек, механика, физика, химия, биология ва иқтисодиёт соҳаларида махсус маърузалар ўқувчи профессор-ўқитувчилар фойдаланишлари мумкин.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM.01.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

ИНСТИТУТ МАТЕМАТИКИ

ТИЛАВОВ АСЛИДДИН МАХМУДОВИЧ

МЕТОД ДИСКРЕТНО-ЧИСЛЕННОГО СЛЕЖЕНИЯ И ПАКЕТ ИНТЕРАКТИВНЫХ ПРОГРАММ ДЛЯ БИФУРКАЦИЙ МОДЕЛЬНОЙ ДИНАМИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ

05.01.07 – Математическое моделирование. Численные методы и комплексы программ (физико-математические науки)

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2018.4.PhD/FM11.

Диссертация выполнена в Институте математики им. В.И.Романовского Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (http://ik-fizmat.nuu.uz/) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель:	**Азамов Абдулла Азамович** доктор физико-математических наук, профессор, академик
Официальные оппоненты:	**Тухтасинов Муминжон** доктор физико-математических наук, профессор
	Абдуганиев Абдували Абдулхайевич кандидат физико-математических наук
Ведущая организация:	**Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «25» января 2020 года в 16^{00} часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4.Тел.: (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «10» января 2020 года.
(протокол рассылки №16 от «24» декабря 2019 года).

А.Р. Марахимов
Председатель Научного совета по присуждению научных степеней, д.т.н., профессор

З.Р. Рахмонов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению научных степеней, д.ф.-м.н.

М.М. Арипов
Председателя Научного семинара при научном совете по присуждению научных степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие научно-прикладные исследования, проводимые на мировом уровне, во многих случаях преимущественно приводятся к рассмотрению динамических систем. Теория динамических систем – одна из наиболее важных областей современной математики, что объясняется, с одной стороны, возможностью выявления глубоких связей между различными областями математики и, с другой стороны, возможностью моделирования реальных механических, физических, химических, биологических и экономических процессов посредством динамических систем. Особенность теории динамических систем состоит в том, что хотя задачи являются специфическими, связанными с поведением системы при росте времени, т.е. системой дифференциальных уравнений, но для их решения приходится обращаться к методам топологии, дифференциальной геометрии, функционального анализа, теории вероятностей, даже современной алгебры. В современных условиях применение методов вычислительной математики и компьютерных технологий для исследования динамических систем является одной из актуальных задач математического моделирования.

В настоящее время в мире качественное исследование динамических систем, в том числе доказательства существования бифуркации и замкнутых траекторий квадратичных динамических систем, имеет важное значение в научных исследованиях, связанных с математическим моделированием управляемых систем и теорией дифференциальных уравнений. Разработка методов исследования бифуркационной картины квадратичных динамических систем на плоскости и их применение к моделированию экологических, физических, химических процессов, а также при решении задач оптимального управления являются целевыми задачами научных исследований.

В нашей стране особое внимание уделяется естественным и точным наукам. Реализуются комплексные меры по дальнейшему развитию математического образования и науки, проведению фундаментальных и прикладных научных исследований, использованию научных результатов в смежных областях науки и отраслях экономики. Проведение научных исследований по приоритетным направлениям математических наук, а именно по дифференциальным уравнениям и математической физике, включая теорию динамических систем, алгебре и функциональному анализу, теории вероятностей и математической статистике, прикладной математике и математическому моделированию представляют основные направления и задачи деятельности Института математики[1]. Развитие методов исследований динамических систем играет важную роль в реализации указанного постановления.

[1]Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №292 «О мерах по организации деятельноти вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан» от 18 мая 2017 года.

Тема и объект исследования настоящей диссертации соответствуют задачам, обозначенным в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», №ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», №ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», №ПП-4358 от 17 июня 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки востребованных квалифицированных кадров и развитию научного потенциала в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека в 2019-2023 годах» и №ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института математики имени В.И. Романовского Академии наук Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся фундаментальной науки.

